

БУХОРО ТАБАРРУК ЗИЁРАТГОҲЛАР МАКОНИ

Кучкарова Гулноз Рахмоновна,

Бухоро муҳандислик-технология институти
«Чизма геометрия ва Муҳандислик графикаси»
кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухорои шарифнинг айрим зиёратгоҳлари ҳақида фикр юритилган бўлиб, муаллиф янги маълумотларни тақдим этган ҳолда зиёрат туризми учун муҳим қадамжолар таснифини келтирган.

Kalit so‘zlar: *зиёрат, Фаришта, архитектура, инсон, муқаддас жой, масжид, мадраса, меъморий мажмуа, қабристон*

ABSTRACT

In this article, some pilgrimage sites of Bukhara Sharif were discussed, and the author provided new information and presented a classification of important places for pilgrimage tourism.

Key words: *pilgrimage, Angel, architecture, human, holy place, mosque, madrasa, architectural complex, cemetery*

КИРИШ

Инсоният маънавияти-маданияти, онги, истеъдодининг юксак ифодасини, у қурган тарихий обидалар, масжид-мадрасалар, зиёратгоҳлар архитектураси эволюциясида такрорланмас санъат даражасида намоён этганлигини кўриш мумкин. Ислом Каримов «Авваламбор, ота-боболаримиздан қолган маънавий меросни чуқур ўрганиш, бу санъатнинг хусусиятлари, аломатлари, бетакрор томонлари нималардан иборат эканлигини англаб олиш зарур. Бухорода жуда кўп обидалар сақланган. Шуларга кўпроқ эътибор бериш даркор, бугунги ва эртанги қурилишларда мана шу услубларни сақлаб қолишга ҳаракат қилишимиз лозим.» деб айтиб ўтган эди. Белгиланган муаммонинг ривожланиш даражаси масаласини ўрганаётганда, зиёратгоҳларнинг ислом маданияти цивилизациясида тутган ўрнининг фалсафа тарихида илк бора фалсафий таҳлил қилинаётгани, қизиқарли, серқирра ва мураккаб мавзулардан бири бўлиб, маданиятшунослик, фалсафа, тарих, математика ва чизма геометрия ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро алоқалар билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш амалий жиҳатдан долзарбдир.

Мақолада зиёратгоҳларни реконструкциялари, тузилиши, инсон онги-тафаккуридаги ва ундан ташқари эстетик гўзаллигини, замонавий архитектура материаллари билан қайта илк кўринишини тиклаш муаммоларининг ечимини

реал натижаларда стилизациялаштирилганлиги Бухоро зиёратгоҳлари ва қадамжойлари мисолида фалсафий таҳлил қилинади.

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСУЛЛАР

Диний зиёрат кўплаб халқлар ҳаётидаги мураккаб ва хилма-хил маънавий ва ижтимоий-маданий ҳодисадир. Зиёрат диний фаолият тури сифатида қадимги даврларда вужудга келган ва диннинг ривожланган шакллари пайдо бўлиши ва жамиятда ижтимоий-маданий муносабатларнинг юқори босқичи билан боғлиқ. Зиёрат-(араб.-бирор ерга ёки шахс ҳузурига бориш)-зиёратгоҳ - муқаддас жойларга, мазор ва қабристонларга бориб, муайян расм-русмларни бажариб келиш. Муҳаммад (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларда айтганлар: «Қабристонларни зиёрат қилиб турунлар, зеро, у охиратни эслатади». Охиратни эслаш эса кишини ёвузликдан узоқлаштириб, эзгуликка яқинлаштиради. Шунингдек ота-она, устоз, қариндош-уруғ ва беморларни Зиёрат қилиш ҳам мақбул амаллардан саналади.

Зиёрат қилиш ҳақида: Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулulloҳ (с.а.в.): "Бир киши дўстини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга: "Ҳаётинг яхши ўтсин! Яхши иш қилдинг ва жаннатдан ўзинг учун жой ҳозирладинг", дейди, деб таъкидладилар".¹

Зиёратнинг фазилати ҳақида: Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилдилар: "Расулulloҳ (с.а.в.) бир воқеани гапириб бердилар. У қуйидагича: "Бир киши бошқа бир қишлоққа турадиган дўстини зиёрат қилиш учун йўлга чиқди. Аллоҳ таоло унга бир фариштани юборди. Фаришта ундан: "Йўл бўлсин, қаерга бораяпсан?" - деб сўради. У: "Шу қишлоққа яшайдиган бир дўстимни кўргани кетаяпман", деди. Фаришта: "Дўстинг сенга бирор яхшилик қилган ёки ундан

бирор манфаат кўрган бўлсанг керакки, ўшанинг хотираси учун бораяпсанда", деди. У киши: "Йўқ, мен уни фақат Аллоҳ учун яхши кўраман, шунинг учунгина зиёратига бормоқчиман", деди. Шунда фаришта: "Мен Аллоҳнинг элчисиман. Аллоҳ таоло мени атай сенга юборди. Сен уни холис Аллоҳ учун севганинг каби, Аллоҳ таоло ҳам сени севади", деди".²

Зиёратхона-мақбара (дахма, сағана) олдида зиёратчилар учун мўлжаллаб қурилган махсус хонага айтилади.³Шундай қилиб, зиёратгоҳлар нафақат сажда қилиш объектларини, балки ўзларининг маданий маъноларининг барча бойлигидаги бинолар, иншоотларни, шунингдек, табиий объектлар ва

¹ Ал-адаб ал-муфрад. Имом Исмоил ал-Бухорий, 159-боб, 348-ҳадис, 56-бет. www.ziyouz.com 2007

² Ал-адаб ал-муфрад. Имом Исмоил ал-Бухорий, 161-боб, 354-ҳадис, 57-бет. www.ziyouz.com 2007

³ Ислом. Энциклопедия: А- Ҳ / Шайх абдулазиз Мансур таҳрири И - 80 остида - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2017.- 184-б.

худудларни ҳам ўз ичига олади. Шу муносабат билан “зиёратгоҳ” ва “муқаддас жой” тушунчаларини синонимлар деб ҳисоблаш мумкин.

Глобаллашиб бораётган дунё шароитида дунёқараш парадигмаларининг янгилашиши ва ўзгариши жараёнини бошдан кечираётган замонавий маданият ривожланишининг анъанавий ва инновацион шакллари уйғунлаштиришга муҳтож. Диний зиёрат халқларнинг жаҳон ва миллий маданий меросининг энг муҳим таркибий қисми сифатида уйғунлаштириш имконияти мавжудлигини кўрсатувчи тенденциялардан бири эканлиги ҳозирги замонда ўз исботини топмоқда. Зиёрат анъанасининг ўзига хослиги шундаки, бир динга эътиқод қилувчи турли халқлар ўзаро бирлашадилар.

Бутун дунёда Бухоронинг таърифини эшитмаган, уни билмаган, уни умрида бир марта ўз кўзи билан кўришни, зиёрат қилишни орзу қилмаган маърифатли одам бўлмаса керак.

Бухоро нафақат Ўзбекистонни, балки бутун Марказий Осиё минтақасини дунёга машҳур этган. Унга Бухорои Шариф⁴ деган ном бежизга берилмаган. Чунки бу муқаддас заминда қанчадан-қанча улуғ зотлар, азиз авлиёлар, пиру⁵-муршидлар, олим-уламолар яшаб ўтган юрт ҳақида сўз борар экан, биринчи бўлиб кўз ўнгимизга зиёратгоҳларнинг улкан салобати қад кўтариб, ўзини кўз-кўз қилгандек бутун дунё диндорларини ўзига жалб қилиб келмоқда. Зиёратгоҳларнинг қайтадан реконструкция қилиниши янада Бухорога кўркамлик бағишламоқда. Уларнинг қурилиш жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиши, инсониятнинг бошқа борлиқдаги мавжудотлардан устунлиги ва юксаклигини яна бир бора исботлаб туради. Ислом архитектураси (меъморлиги)нинг ривожланиб кетиши сабаби, илк бора масжид Муҳаммад с.а.в. ҳижратларидан кейин Мадинада қурилганлиги, кейин мусулмонлар босиб олган шаҳарларда масжидлар очила бошланди. Макка қўлга киритилгандан кейин ҳар бир масжидда меҳроб, яъни қиблани кўрсатадиган жой пайдо бўлди. Масжиднинг⁶ меъморий дизайни жуда бошқача бўлиши мумкин, аммо унда иккита мажбурий элемент: бу меҳроб (Каъбага (Макка) йўналтирилган) ҳамда

⁴ қаранг: Шариф (араб. — олижаноб, аслзода) — Муҳаммад (сав) авлодларининг номига қўшиладиган ҳурмат сўзи. Ўрта асрлардан бошлаб 7 шаҳар; Макка, Мадина, Қуддус, Бағдод, Дамашқ, Мозори Шариф ва Бухоро ш.лари диний марказ сифатида шухрат қозонгани учун, уларга "Ш." сўзи қўшиб айтиладиган бўлган. Шунингдек, бир неча атамаларга сифат тарзида қўшилган ҳолда (мас, ҳадиси Ш., каломи Ш., мушафи Ш. ва ҳ.к.) ҳам қўлланилади.

⁵ қаранг: Пир (форсча: پير — кекса, қари) — сўфийлик анъанасида тариқатларнинг олий раҳнамолари ёки обрўли раҳнамолар. Шунингдек, ҳар бир мурид ўз муршидини ҳам пир деб атаган. Аҳоли орасида пир тушунчаси авлиё, маълум бир ҳунарнинг асосчиси маъносида ҳам ишлатилади.

⁶ қаранг: Масжид (араб. مسجد (— мусулмонлар ибодат қиладиган бино. Биринчи масжид Муҳаммад пайғамбар томонидан Мадинада қурилган бўлиб, намоз ўқиш учун панжара билан ўралган жой эди. Ўрта асрларда масжид диний функциялардан ташқари, ижтимоий функцияларни ҳам бажарган: унда талабалар ўқитилган, аҳоли тўпланган, саргардонларга бошпана берилган ва ҳоказо.и.

минора яъни (масжид ёнида жойлашган баланд минора)лар таркибида мавжуд бўлиши керак. Мадрасаларнинг қурилиши ислом дини тараққиётининг ривожланишига асосий омил бўлиб, мадрасалар иккинчи даражали таълим берувчи диний таълим муассасаси ҳисобланади. Шунинг учун ислом меъморчилиги ҳам диний, ҳам дунёвий муассасалар ва биноларни ўз ичига олади. Ислом дини ривожланиши биланоқ зиёратгоҳлар таркибида масжид ва миноралар киритилганлиги учун замонавий давр билан боғлиқ бўлган ислом меъморчилик услублари ҳам ривожланган. Ҳозирги замонда бутун дунё мусулмонлари истиқомат қиладиган барча жойларда ислом меъморчилигига мос масжидлар қурилмоқда. Ислом меъморчилиги ислом билан боғлиқ бўлган биноларнинг меъморий услубларини ўз ичига олади.

Бухоро зиёратгоҳларига ислом архитектурасининг меъморлари кўп асрлар давомида ўз санъатининг мураккаблиги, ихчамлиги, бетакрорлиги, нақш турларининг терилиши, чизилиши, бўялиши, рангларни тўғри танлаши, ғиштларнинг турли услубларда терилиши, табиат ҳодисаларини ҳисобга олган ҳолда сабр ва анча машаққатлар билан қурилганлиги, ҳар бир зиёратгоҳларда ўз аксини намойиш этиши, яна бир бора инсон онги, маданиятининг буюклик тимсоли эканлигини исботлаб келмоқда. Зиёрат ва зиёратгоҳлар авваламбор инсон қалбидан бошланади. Халқда зиёратга борган инсон ўзини руҳан енгил сезиши, маънавий буюкликка эришишини нур мисолида таққосласа, нур инсон қалбидан бошланади дейилади.

Улуғларнинг ривоят этишича, Бухоройи шариф ва унинг атрофида етти минг авлиё, аллома, зоҳид, обид, ошиқ, имом, муҳаддис, шайх дафн қилинган. Бухоройи шарифда учта пайғамбар, жумладан, Аюб алайҳиссалом, Довуд алайҳиссалом, Хизр алайҳис салом қадамжолари бор. Бир ривоятда айтилишича, ҳамма жойга осмондан нур ёғилса, Бухоройи шарифдан осмонга нур кўтарилар экан. Бу нур - маърифат, илму ирфон нуридир. Нур борки, зулмат чекинади. Нур борки, йўлимиз ёруғ. Нур, чироқ бизнинг ташқи оламимизни мунаввар қилади. Лекин қалбимизни ҳам мунаввар этувчи нур бор. Бу - маърифат нури, маънавият зиёси⁷ деб айтиб ўтган.

Зиёратгоҳларни илмий ўрганиш Ўзбекистонда С.С.Бухорий⁸, Г.Наврўзова⁹, Г.С.Юнусова¹⁰, И.Остонакулов, Б.Эралиев, Ф.Ақчаев¹¹, ва бошқалар томонидан

⁷ Садриддин Салим Бухорийнинг "Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари" "ДУРДОНА" нашриёти, 2012

⁸ қаранг: Садриддин Салим Бухорийнинг тасаввуфшунос олим, тарихчи сифатидаги изланишлари натижасида "Дилда ёр" (1993), "Чор Бакр ёки Жўйбор авлиёлари" (2001), "Ҳазрат Азизон ар-Рометаний" (2002), "Баховуддин Нақшбанд ёки етти пир", "Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир", "Бухоройи шариф авлиёлари", "Буюк Ғиждувонийлар", "Икки юз етмиш етти пир" (2006), "Ҳазрат Баховуддин Нақшбанд", "Хожа Ориф ар-Ревгарий", "Мавлоно Ориф Деггароний" (2008), "Авлиё Шох Ахсавий Файзободий ал-Бухорий" (2009), "Шофирконнинг табаррук зиёратгоҳлари", "Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари" каби тарихий-маърифий йўналишдаги китоблари нашр этилган.

диний-фалсафий қарашларида тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқотларда зиёратгоҳлар, маданий-маънавий мерос, ислом меъморчилиги ҳақидаги келиб чиқиш тарихи, дунёвий-диний-фалсафий қарашлари билан ёритилган бўлса, чет эллик олимлар Osman Aydinli¹², А.М.Ахунов¹³, С.Ю Житенёв¹⁴, ва бошқалар ислом маданияти тараққиётида зиёратгоҳларнинг ўрнини эътироф этишган.

МДХ давлатларида М.С.Булатов¹⁵, Рашид калвир Ходжатилла¹⁶, О.А.Сухарёва¹⁷, ва бошқалар зиёратгоҳларнинг тарихи, меъморий тузилиши, асосчиси ва фаолиятини ўрганишган. Бироқ ушбу тадқиқотларда зиёратгоҳларнинг тарихий аспекти тадқиқ этилган бўлсада, фалсафа тарихи соҳасида ўрганилмаган. Биз тадқиқотимизда Ислом маданияти тараққиётида Бухоро зиёратгоҳларининг ўрнини фалсафий таҳлил этишга эътибор қаратдик.

НАТИЖАЛАР

Юқоридаги тадқиқотлардан маълум бўладики айрим зиёратгоҳлар тарихи алоҳида соҳа вакиллари: филолог, тарихчи, адабиётшунослар томонидан ўрганилган. Бизнинг тадқиқот ишимиз фалсафа тарихи соҳасида илк маротоба ўрганилаётганлиги билан долзарбдир.

Бухорои шарифнинг ҳар бир қарич ери (зиёратгоҳ) авлиёлар шарофати билан зиёратгоҳга айланган. Зиёратгоҳлар инсониятга, унинг онгидаги тасаввуф ва тариқат оламидаги илк ғояларни кенг тарғиб этилишига улкан ҳисса қўшгани бугунги кунга келганда сир эмас. Бухорои шарифнинг ҳар бир қарич ери (зиёратгоҳ) авлиёлар шарофати билан зиёратгоҳга айланган. Айниқса бутун дунё аҳлини ўзига жалб этаётган етти пирлар билан биргаликда Бухоро зиёратгоҳлари хусусида гапирадиган бўлсак, Етти пирлар зиёратгоҳлари, Ҳазрат шайх Саййид Муҳиддин Абдулқодир Жилоний Пиридастгир (1079-1166) зиёратгоҳи, Хўжа Каъбул Ахбор Вали зиёратгоҳи, Бобойи Порадўз зиёратгоҳи,

⁹ қаранг: Хожа Али Ромитонийнинг “Risolai Azizon” kitobi mashhur. Bu kitobni fors tilidan o‘zbek tiliga naqshbandiyshunos olimi Gulchehra Navro‘zova tarjima qilib nashr ettirdi.

¹⁰ қаранг:

¹¹ қаранг: Остонакулов Икромиддин, Эралиев Бахтиёр, Фаррух Ақчаев «Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари»

¹² қаранг: Osman AYDINLI «Islom tafakkurining asosiy markazlari: MAVERAUNNEHİR»2019.;

¹³ қаранг: Исламский фактор в мировом историческом процессе (Ближний и Средний Восток, Северная Африка, Восточная Европа): учеб. пособие / В.А. Ахмадуллин, А.М. Ахунов– Казань: Изд-во Казан.ун-та, 2017. – 298 с.

¹⁴ қаранг: Житенёв С. Ю. Религиозное паломничество в христианстве, буддизме и мусульманстве: социокультурные, коммуникационные и цивилизационные аспекты. М.: Издательство «Индрик», 2012 — 000 с

¹⁵ М. С. Булатов «Геометрическая гармонизация в архитектуре средней Азии IX-XV вв» Издательство «Наука» Главная редакция восточной литературы москва 1988.

¹⁶ Рашид калвир Ходжатилла «Становление и развертывание пространственной структуры традиционной мечети ирана михраб айван купол» Москва 2008г.

¹⁷ О.А. Сухарёва «К истории Бухарского ханства» (Историко этнографические очерки) Издательство академии наук узбекской ССР- Ташкент:1958.

Турки Жандий ва яна бир қатор буюк авлиёи киромлар борки, улар ҳақида тадқиқот ишларимизда батафсил маълумотлар бериб борамиз.

Инсон буюкликка эришишдан олдин у авваламбор ички хотиржамлик, ички дунёсини тартибга солмоғи керакдир, чунки зиёрат бу инсоннинг ўзидан бошланади.

ХУЛОСА

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолик Ғиждувоний, Ориф Ревгарий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Маҳмуд Фағнавий, Саййид Амир Кулол меъморий мажмуаларини ўз ичига олган “Етти пир” зиёратгоҳида: “Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу хазинани мукамал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз - ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин. Китобда ўқиш бошқа, зиёрат қилиб, юракдан ўтказиб ўрганиш бошқа. Бу жой маърифат маркази бўлиши, одамлар ўзига илм олиб кетиши керак”, — деди Шавкат Мирзиёев. Хужжатда биринчи марта юқори динлараро даражада “Муқаддас жой” тушунчасига таъриф беришга ҳаракат қилинди, унда қуйидагича ифодаланади: “Муқаддас жойлар маълум диний жамоалар учун диний аҳамиятга эга жойлардир. Уларга зиёратгоҳлар ва қабристонлар шу жумладан, уларнинг атрофидаги ҳудудлар, агар улар ушбу жойларнинг ажралмас қисми бўлса (лекин улар билан чекланмаган ҳолда) киради. Ушбу кодекс нуқтаи назаридан, муқаддас жойлар ҳар бир диний жамоа томонидан анъанага кўра белгиланадиган қатъий белгиланган чегараларга эга. Шунингдек, маълум бир муқаддас жой бир нечта диний гуруҳлар учун диний аҳамиятга эга бўлиши мумкинлиги эътироф этилади. Муқаддас жойлар бугунги ва келажак авлодлар учун бутунлиги, дахлсизлиги, обрў-эътибори ва ўзига хослигини ҳурмат қилган ҳолда сақланиши керак. Улар нафақат диний аҳамиятга эга объектлар, балки тарихий объектлар сифатида ҳам сақланиши керак

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Садриддин Салим Бухорийнинг "Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари" "ДУРДОНА" нашриёти, 2012
2. Osman AYDINLI «Islom tafakkurining asosiy markazlari: MAVERAUNNEHİR» 2019.;
3. Исламский фактор в мировом историческом процессе (Ближний и Средний Восток, Северная Африка, Восточная Европа): учеб. пособие / В.А. Ахмадуллин, А.М. Ахунов – Казань: Изд-во Казан.ун-та, 2017. – 298 с.

4. Житенёв С. Ю. Религиозное паломничество в христианстве, буддизме и мусульманстве: социокультурные, коммуникационные и цивилизационные аспекты. М.: Издательство «Индрик», 2012 — 000 с
5. М. С. Булатов «Геометрическая гармонизация в архитектуре средней Азии IX-XV вв» Издательство «Наука» Главная редакция восточной литературы москва 1988.
6. Рашид калвир Ходжатилла «Становление и развертывание пространственной структуры традиционной мечети ирана михраб айван купол» Москва 2008г.
7. О.А. Сухарёва «К истории Бухарского ханства» (Историко этнографические очерки) Издательство академии наук узбекской ССР- Ташкент:1958.
8. Yunusova G. S. The viewpoints of Abdulqadir Giylani about the human and man conceptions // Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 9. – P. 176-178.
9. Yunusova G. S. The viewpoints of Abdulqadir Giylani about the human and man conceptions // Theoretical & Applied Science. – 2018.
10. Юнусова, Г. (2021). The doctrine of Abdulqadir Giylani and qadiriya. *IJUM Engineering Journal*.(Scopus) Published Online: 15 December.